



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 20 март, № 57 (7837)

Шанба

Сайтга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 18-19 март кунлари Тошкент вилоятида бўлди.

Нурафшон шаҳрида 19 март кунини халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.
Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.
Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йирилганларни яқинлашиб келаятган Наврўз байрами билан табрикланди. Тошкент вилояти мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тугишини таъкидлади.

— Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш бўйича улкан салоҳият бор. Шунинг учун вилоятга жуда катта марказ қўйганмиз. Лекин шунга яраша натижа сезилмапти, ўрта бўлин раҳбарлари «аравани тортолмаяпти». Энди бизга факат пахта, галла деб юриверадиган ҳокимлар керак эмас. Пахта билан галла-

ни манфаат қилиши керак. Ҳоким эса ҳозирги замонга муносиб, устувор йўналишларни яхши биладиган ва жой-жойига қўядиган, вилоятдаги 2 миллион 994 минг аҳолини рози қиладиган бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаятган Даврон Ҳидоятлов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

Д. Ҳидоятлов 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1996 — 2009 йилларда банк тизимини, 2014 йилгача автосаноат тармоғида фаолият юритган. 2014 — 2020 йилларда Хусусийлаштирилган давлат қўмитаси раиси, Чилонзор тумани ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари, вилоят фаолла-

ри сўзга чиқиб, номзод ҳақида фикрларини билдирди. Овозга қўйиш натижаларига қўра, Даврон Ҳидоятлов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича асосий йўналиш ва вазифалар муҳокама қилинди.

Аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш масалаларига эътибор қаратилди. Вилоятдаги 1 минг 48 та маҳалла билан манзилли ишлаб, «ўшш нукталарини» ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромади ва харид қобилиятини ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

2021-2022 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида жами қиймати қарийб 120 триллион сўм бўлган 1 минг 108 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши таъкидланди. Уларнинг 1 минг 60 таси ҳудудий, 48 таси йирик тармоқлар лойиҳаларидир. Буларнинг на-

тижасида 52 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари кон-металлургия, энергетика, тўқимачилик, кимё, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги ва туризм вилоят иқтисодиётида асосий «драйвер» бўлиши кераклигини таъкидлади.

Жумладан, жорий йилда Туркия компанияларининг 450 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига Қибрай туманида умумий қувват 710 мегаватт бўлган иккита иссиқлик электр станцияси ишга туширилади. Шунингдек, Бўстонликда 1 миллиард 48 миллион доллар сармоа эвазига жами қуввати 540 мегаватт бўлган иккита гидроэлектр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга вилоятда 14 та янги кичик саноат зонаси ташкил этиш, фойдаланилмаётган 18 норуда конлар негизда қурилиш материал-

лари ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Чирчиқ шаҳрини замонавий инновациялар ва инвестициялар шаҳрига айлантириш, шу намуна асосида вилоятнинг бошқа шаҳарларини ҳам комплекс ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

16 минг гектарда бог ва тоқзорлар барпо этиш, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ижтимоий соҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мактаб-гача таълим қамровини кенгайтириш, мактабларни таъмирлаш, 4 та туманлараро тиббиёт маркази ташкил этиб, гемодиализ хизматларини йўлга қўйиш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Кўп қаватли уйлар, йўллар, ичимлик суви тармоқлари қуриб, қишлоқ ва маҳаллалардаги турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар маълум қилинди.

Мутасадди раҳбарлар Президент айтган устувор вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан халқ депутатлари олдига ҳисобот берди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар ва туман студияларида аҳоли билан суҳбатлашиб, улар билдирган тақлифларни қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Маълумки, 2017 йил Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрига кўчирилган, давлатимиз раҳбари 2019 йили бу ерга келганида замонавий мажмуалар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги ташриф чоғида бажарилган ишлар кўздан кечирилди. Давлатимиз раҳбарига Нурафшон шаҳрининг бош режасига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Бугунги кунда Тошкент йўли кўчаси кенгайтирилиб, унинг икки томонида 42 объект фойдаланишга топширилган. Айни пайтда бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Илгариги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, маъмурий бинолар, бизнес марказлар, меҳмонхона, тиббиёт ва таълим муассасалари, гипермаркетлар қурилишда.

Тошкент вилоятида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказилди.

Президент мактаб ва боғчаларни қуриш билан бирга, таълим мазмунини бойитиш, энди қамровдан сифатга ўтиш кераклигини таъкидлади. Аҳоли келишига қулай жойда замонавий шифохона ташкил этиш ҳамда уни клиник база қилиб малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Д.А.ХИДОЯТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Даврон Абдуллаттахович Хидоятлов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 март

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикентлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалмиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалмиш йўлига қатъий ўтган **140** нафар фўқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **4** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **69** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **8** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **59** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **12** нафарини чет эл фуқароси, **9** нафарини 60 ёшдан ошган шахс, **13** нафарини аёл ҳамда **14** нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахс ташкил этди.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Қонунчилик палатаси қўмитасида

ТИББИЁТ ТИЗИМИДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАПТИМИ?



Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаптими? Мажбур муаммони бартараф этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мутасадди раҳбарларнинг бу борадаги масъулияти қандай?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда шу каби саволларга жавоб изланди.

Кайд этиш жоизки, қўмита қўйи палата ҳузуридаги Аҳоли саломатлигини мустақамлаш борасидаги ислохларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси режасига асосан шу йил февраль ойида тиббиёт ходимларининг хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган барча турдаги ишларга жалб қилиниши ҳолатларини Фаргона ва Андижон вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибиди ўрганган эди.

Депутатлар, қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзолари, Фаргона ва Андижон вилоятлари соғлиқни сақлаш бош-

қармалари раҳбарлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси вакиллари иштирокида видеоконференция тарзида ўтказилган мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор тағрибот ва ташвиқот ишлари олиб борилган.

Олий Мажлис Сенати

МИЛЛИЙ МАЪРУЗА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Кунини кеча Олий Мажлис Сенати Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастури — 2020 Инсон тараққиёти маърузаси бўйича миллий конференция ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, шунингдек, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзгидромет» ҳамда бошқа тегишли давлат муассасалари, хусусий сектор ва ишлаб чиқувчилар ҳамжамияти, таҳлил марказлари ҳамда илмий доиралар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш бўйича маслаҳатчиси Равшан Фуломов, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Илхом Норкулов,

БМТТД доимий вакили Матильда Димовска, БМТТД маъмурининг ёрдамчиси Мирьяна Сполярч Эггер сўзга чиқди.

Иштирокчилар ялли муҳокама-ларда экспертлар билан Ўзбекистоннинг давлат сиёсати ва инсон тараққиётининг янги меъёрига ўтишни рағбатлантириш омиллари, хусусий сектор ҳамда бошқа масалалар юзасидан ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, Ўзбекистонда, айниқса, табиий ресурслар ва атроф-муҳитга юк қамайган ҳолда COVID-19 пандемиясидан кейин тикланиш нуктаи назаридан БМТ Тараққиёт дастури — 2020 Инсон тараққиёти маърузаси бўйича ахборот тақдим этилди.

Тадбир якунида Ўзбекистонда инсон тараққиёти соҳасида эришилган натижалар, асосий хулосалар қўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Янги Қонун

ЭКОАУДИТ — АТРОФ-МУҲИТ МУҲОFAZАСИГА ДЕМОКРАТИК ЁНДАШУВ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ишлаб чиқариш жараёнининг экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқиб, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланганди.

Шу нуктаи назардан айтганда, мамлакатимизда экологик аудит ўтказишнинг ҳуқуқий асослари «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларининг айрим нормаларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Экологик аудит тўғрисидаги Низомда белгиланган. Лекин амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳамда қатор нормалар ҳаволаки хусусиятга эга эканлиги, соҳани тизимли тартибга солишни ҳуқуқий механизмлари белгиланган магнлиги туфайли мамлакатимизда экологик аудит фаолияти ривожланган давлатлар даражасидан паст кўрсаткичда қолаётди. Шунингдек, экологик аудит ўтказган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун рағбатлантиришни ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмаслиги ҳам ушбу тадбирни амалиётда кенг қўллашга тўсиқлик қилмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги

вақтда юртимизда атроф-муҳитга таълақимизда экологик аудит ўтказишчи 90 та биринчи ва 947 та иккинчи тоифадаги ҳўжалик юритувчи субъект мавжуд бўлиб, 2019 йилда улардан атиги 558 таси ваколатли органлар томонидан ифлосланмиш манбалари мониторингини билан қамраб олишнинг мақсадида таъсир этувчи барча ҳўжалик юритувчи субъектларга экологик назорат институтининг нодавлат, мустақил махсус тури — экологик аудит қўлланилади.

Бундан ташқари, 1991 йилдан буён кўп мамлакатларда тижорат банклари экологик аудитни берилдиган банк суудалари бўйича келажакда тўлов қобилиятига эга бўлмайдиган банк миждларини олдидан аниқлаш мақсадида фойдаланишни бошлаган. Бу орқали атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликка риоя қилмаган корхо-

AGROBANK

«Агробанк» АМБ
жамоаси

Ўзбекистон халқини баҳор айёми – Наврўзи олам билан муборакбод этади!
Барчага соғлик, фаровонлик, тотувлик, бахту иқбол тилайди.

www.agrobank.uz

/AgrobankChannel «Agrobank Mobile» иловасини юклаб олинг! Телефон: 71-203-88-88.

/agrobankuzbekistan

Download on the App Store GET IT ON Google Play

Хизматлар лицензияланган.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик тижорат банки
жамоаси

МИКРОКРЕДИТБАНК

мижозларини, ҳамкорларини, умуман, бутун юртдошларимизни янгилашни ва яшариш тантанаси – Наврўз байрами билан табриклайди!
Ўзбекистон аҳлига сиҳат-саломатлик, хонадонларига қут-барака, ишларига муваффақият тилайди!

«Микрокредитбанк» байрам муносабати билан Сизларга янги — «Максимум» омонат турини таклиф қилади.

«Максимум» омонатига 13 ой муддатга пул қўйиб, йиллик 21 фоиздан даромад кўринг.
Яна бир қулайлиги, ушбу омонатни банкка бориб, нақд ёки нақдсиз очиш билан бирга, унга «МКВ mobile» мобил илова орқали ҳам маблағ жойлаш мумкин.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз Ватандошлар!
Хизматлар лицензияланган.

TURON BANK | 30 йил
Сиз билан бирга!

барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни баҳор ва янгилашни байрами — Наврўз айёми билан қутлайди!

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Байрам муносабати билан «Омадли бонус» омонатини таклиф этади.

Муддати - 12 ой.
Йиллик - 20%.

Акцияда иштирок этинг ва маблағингизни ошган миқдорда қайтариб олинг!

www.turonbank.uz 99895 144-60-00

turonbank turonbankuz turonbank turonbankmedia

Хизматлар лицензияланган.

Наврўз
шодиёнаси кўшаринки кайфият улашсин!

«Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки жамоаси азиз ҳамюртларимизни халқимизнинг бебаҳо қадриятларини ўзида мужассам этган Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик бардавом бўлсин!
Янгилашни, яшариш айёмида ҳар бир хонадонга фойз-барака кирсин.
Ижодий ва касбий баркамоллик доимий ҳамроҳингизга айлансин!

НАМКОРБАНК

30 йил
Сиз билан бирга

facebook.com/HamkorBank.uz t.me/Hamkorbankuz

instagram.com/hamkorbank_jscb/ www.hamkorbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 348. 31 515 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг отказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улугмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6